



**Chief Editor:**

**S.Nazarkasimov**, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

**Deputy Chief Editor:**

**A.Turaev**, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

**Members of the editorial board:**

Sh.S.Sharipov - Professor

B.M.Ochilova - Professor

D.Khodjimetova - assistant professor

A.Pardaev - assistant professor

M.N.Khoshimkhonov - assistant professor

A.I.Saidkasimov - assistant professor -

F.K.Akhmedov - assistant professor

B.E.Toshboev - assistant professor

I.N.Akhmedov - PhD

D.Salimova - PhD

N.N.Alimov - assistant professor

M.Saidov - Ph.D.

X.Maxammadiev - teacher

**Editorial Representative:**

Abrar Turaev

Jizzakh State Pedagogical Institute,  
Uzbekistan

Phone: +998933091877

e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC  
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali  
“Mentor” scientific-educational  
journal

Научно-просветительский  
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical  
Institute, Uzbekistan



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	<b>Н.А.Шермухамедова</b>	Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги	<b>4-10</b>
2	<b>С.С.Агзамходжаева</b>	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	<b>11-16</b>
3	<b>О.М.Ғайбуллаев</b>	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	<b>17-20</b>
4	<b>Г.М.Тўраева</b>	Юксак маънавият маъсулияти	<b>21-28</b>
5	<b>Ф.Б.Ғайзиева</b>	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	<b>29-32</b>
6	<b>Ф.Маматқулов</b>	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	<b>33-38</b>
7	<b>А.А.Қамбаров</b>	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи	<b>39-42</b>
8	<b>С.Э.Ибрагимов</b>	Баркамол авлодни шакллантиришда ғўзаллик тушунчасининг ахамияти	<b>43-47</b>
9	<b>И.М.Арзиматова</b>	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	<b>48-51</b>
10	<b>Г.Х.То`ғайева</b>	Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	<b>52-55</b>
11	<b>У.Б.Муҳаммадиев</b>	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	<b>56-60</b>
12	<b>Н.Алиматова</b>	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли	<b>61-65</b>
13	<b>S.A. Pilyak</b>	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	<b>66-71</b>
14	<b>Н.Тангиров</b>	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	<b>72-75</b>
15	<b>М.Мамажонова</b>	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	<b>76-78</b>
16	<b>Б. Б. Жалолов</b>	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлилиянализ источников учения зороатризма	<b>79-82</b>
17	<b>Ф.Абдусаматов</b>	Ёшлар тарбиясида ислом омили	<b>83-86</b>
18	<b>А.А.Абдурахмонов</b>	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	<b>87-91</b>
19	<b>M.Nabiyev</b>	Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	<b>92-96</b>

		tarbiyaning ahamiyati	
20	<b>М.Маматмусаева</b>	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъmmo ва ечимлар	<b>97-101</b>
21	<b>Н. Davlatova</b>	Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlar	<b>102-108</b>
22	<b>З.Миркомилова</b>	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	<b>109-114</b>
23	<b>С.Музаффаров</b>	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маъnavий ҳаётнинг долзарб вазифаси	<b>115-118</b>
24	<b>С.Тоштемирова</b>	Глобаллашув шароитида маъnavиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	<b>119-121</b>
25	<b>С.Каримов</b>	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	<b>122-124</b>
26	<b>А.Э.Зиётова, Э.А.Бозоров</b>	Глобаллашув шароитида маъnavий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	<b>125-129</b>
27	<b>А.Ш.Эшмуҳаматов, Ж.Хушбақов</b>	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	<b>130-133</b>
28	<b>А.Пармонов</b>	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	<b>134-140</b>
29	<b>П.Қулматов</b>	Шах маъnavиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	<b>141-144</b>
30	<b>Ш.Ж.Хашимов, С.Х.Хашимова</b>	Маъnavий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	<b>145-148</b>
31	<b>А.Холбоев</b>	Ёш авлодни юксак маъnavиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	<b>149-154</b>



## АЁЛ МАЪНАВИЯТИ – ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

*С.С.Агзамходжаева – ф.ф.д., Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори*

Мамлакатимизда аёлларнинг ўз иқтидорларини намоён қилиш қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш даражаси эса унинг ўзига боғлиқ. Агар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила қуришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётдан қаноатлана олади. Агарки фақат оилани ҳаётининг асосий мақсади қилса, пировард натижада намоён қилинмаган қобилият, фойдаланилмаган имконият, эришилмаган ютуқлар у учун армон бўлади ва қалбида барча нарсага эриша олган аёлларга нисбатан ҳасад туйғуси шаклланади, бу унинг ғазабнок бўлишига олиб келади. Шуниси қувонарлики, сўнгги йигирма йилда ўз мақсадини аниқ билган, оила бекаси, фарзандларининг онаси бўлиш билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида касби орқали камолотга эришаётган аёлларнинг сони кўпайиб бормоқда. Юртимизда барча учун “Тенг имконият ва тенг ҳуқуқлар белгиланган”, шу боис маош олиш, ишга кириш, у ёки бу соҳада муайян ютуқларга эришиш ҳоҳ эркак ёки аёл бўлсин, бу нсоннинг мақсадли фаолиятига боғлиқ.

Аёлнинг ҳар қандай ишга масъулияти икки ҳисса кучли. Қаерда бўлмасин, таълим тизимими, соғлиқни сақлаш, транспорт соҳасими ва бошқа бўлишидан қатъий назар аёл ўз вазифасини ортиғи билан бажара олади. Бироқ баъзи соҳаларда, тўғрироғи аёлларни раҳбар лавозимига тайинлашда уларга нисбатан ишончсизлик устиворлик қилади. Масалан Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Олий ўқув юрти бор, бироқ уларнинг бирортасини аёл бошқараётгани йўқ. 90 йилларда эса профессор Ҳалима Алимова Тошкент текстил ва енгил саноат институти ректори лавозимида ишлаган ва айнан шу институт Ўзбекистон республикаси тест маркази томонидан ўтказилган аттестация ва аккредитациядан энг юқори балл билан биринчи ўринни эгаллаган. Опанинг бошқа ишга ўтганлигига анча йиллар бўлсада институтда ҳалигача улар ўрнатган темир тартибга риоя қилиниб келинмоқда. Нима учун?, шунинг учунки раҳбар аёл ўз жамоасини оиласи сифатида қабул қилади, хўжаликдаги ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиб, ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг энг осон, беозор йўлини танлайди. Шу боис аёлларимизга раҳбар лавозимлари

ишониб топширилса, улар орасида Ўзбекистоннинг бирор давлатдачи Мухтор элчиси, вазир, вазир ўринбосари ва ҳаказо кабиларни аёлларимиз ҳеч иккиланмай эплаган бўлар эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки аёлнинг шахс сифатида камолотга эришуви –да эркакнинг ўрни жуда ҳам салмоқли. Чунки фақат эр қўлласагина аёл ўз мақсадига эркин эриша олади, фақат эр қўлласа аёл жамиятда ўз ўрнини топади, фақат эр тушунсагина оилада ўзаро ишонч, садоқат ва ҳурмат бўлади, фақат эрнинг мададини ҳис қилсагина аёл чинакам бахтли бўлади ва қалби ором топади.

Бир замонлар аёлларга заифа, ожиза дейишган. Бу сўзлар ҳозир ҳам онда-сонда учраб туради... Бизнингча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлган эмас ва ҳозир бундай эмас. Чунки фақат аёл Оллоҳ унга ато этган тўлғоқ азобини сабр тоқати, кучи, бардоши билан енга олади, тўлғоқ азобининг нималигини эса фақат аёл билади. Аёл ҳар қандай мусибатни кўтариши, ҳар қандай жисмоний оғир ишни бажариши мумкин. Фақат аёл ишдан қайтиб, чарчоқни ҳам сезмасдан овқат пишириши, кир ювиши, болага қараши, меҳмон кутиши, меҳмонга бориши, турмуш ўртоғининг кўнглини олиши ва бу ишларни кундалик юмуш сифатида бажариши мумкин. Ундан ташқари аёл дардга тоқатли. Оддий тумов, бош оғриғи, томоғ оғриғи кабилар аёл учун дард эмас, оғриқ суягига тақалмаганича аёл миқ этмай юради. Эркакларчи?, салгина шамоллаб қолишса кўрпа ёстиқ қилиб, ётиб олади, чунки уларни шу ҳолатда боласини асрагандек парваришлайдиган аёли бор. Шу боис эркаклар аёлнинг кучи, иродасини ҳис қилишсада, илгари ҳам, ҳозир ҳам, уларни эркалаш маъносида “Ожиза” деб атаган бўлишса ажаб эмас.

Бугунги кунда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақида кўп фикрлар илгари сурилмоқда. Энг аввало ҳар иккаловининг масъулияти, ўзининг оила олдидаги бурчини тўлиқ ҳис қилиши, ўзаро ҳурмати, оиладаги муаммоларнинг ечимини бафурча биргалашиб ҳал қила олиши, эркакнинг ўзини аёлидан юқори қўймаслиги, беписанд бўлмаслиги, шунингдек аёлнинг ҳам эрига нисбатан айнан шундай муносабати, оила бюджетини талон тарож қилмаслиги кабилардир. Агар аёл тенг ҳуқуқлиман деб, оналик масъулиятини унутса, ўзини фақат ишга бағишласа-ю, уйда саранжом-саришталик бўлмаса, бундай “тенглик” ҳеч кимга татимайди. Агарки эр кўча хандон уй зиндон бўлса, аёлининг бошини таънаю дашномлардан аритмаса бундай оиладан барака кетади. Шу боис “тенг ҳуқуқлилик”да муроса-ю мадора, ўзаро ҳамкорликка риоя қилиш муҳим. Оилада барқарорликни таъминлашнинг асосий омиллардан бири бу оила аъзоларининг маънавий-руҳий яқинлигидир. Нима учун ғарб мамлакатлари кино фильмларида оила аъзолари бир-бирига сени яхши кўраман дея олади-ю, бизда эса бу эриш туйилади. Шуни алоҳида

таъкидлаш лозимки, 2008 йил Тошкент шаҳри 50-сонли мактабнинг 9 синф ўқувчилари билан ўтказилган анкета-сўровномаси таҳлиliga кўра 45 та боладан 27 таси онаси ва отасининг яхши сўзини эшитмаганлигини, отаси ҳеч қачон ўпмаганлигини, яхши баҳо олганида мактамаганлигини айтган. Фақат 18 та бола ота-онаси баъзида уларни макташини, яхши кўришини, аслида бундай сентементаллик учун улар анча улғайганлигини ёзган. Ота-она учун боланинг сочларига оқ оралаб, юзларига ажин тушганида ҳам фарзанд бўлиб қолади, шу боис, уни қучиш, макташ, у билан ғурурланиш ёш танламайди. Агар биз менталитетимизга фарзандларимизга муносабатни уларнинг ёшига, жисмоний ўсишига эмас, балки, кўнглига мослаб борсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бугунги эркаклар учун аёлларнинг кадр ошмоқда. Дунёнинг қайси мамлакатада бўлмасин эркак учун аёл энг аввало иффати, назокати, ҳаё-ибоси, меҳри-вафоси, садоқати билан кадрли. Нима учун?, чунки шиддат билан ўтаётган умрнинг ҳар бир куни сарқаш дарё тошқинлари каби муаммоларга тўлиб-тошиб ётибди. Кун бўйи ишдаги ташвишлардан чарчаб уйга келган эркак албатта аёлидан эътибор, меҳр кутади. Агар аёл шу эътибор ва меҳрни бера олса эркак қаерда бўлмасин уйга ошиқади, аёлига ташна бўлиб яшайди ва бу ташналик уни ҳеч қачон тарк этмайди. Шунингдек аёл эр келар вақтида мунтазам уйда бўлмаса ёки эшик жириглаганда пинагини бузмай эрини хуш кайфият билан кутиб олмаса, бундай вазиятда эркак кўпроқ вақтини кўчада ўтказишга, ишдан бошини кўтармасликка ҳаракат қилади, аста-секинлик билан эр ва аёл ўртасида кўринмайдиган девор ҳосил бўлиб, оиладаги энг яқин икки киши бир-биридан бегоналашади, бу бегоналашув асоратлари болаларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир этади. Шу боис, биргаликдаги турмушнинг дастлабки кунлариданок ўзаро ҳурмат, эътиборнинг қарор топишига, эр-хотинни ёки хотин эрни ўзгартиришга эмас, балки бир бирининг феълига мослашишга ҳаракат қилинса, бундай оилада абадий бир бирига интизорлик шаклланади. Бунга эришиш қанчалик қийин бўлишидан қатъий назар, эришган оилалар том маънодаги бахтли оила бўла олади.

Европадаги тадқиқотларга кўра овқат пишириш, кир ювиш, тикиш бичишни биладиган аёллар сони камайиб бормоқда экан. Хўш бу борада биздаги вазиятни қандай баҳолаш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кир ювиш, овқат пишириш бизнинг аёллар учун муаммо эмас, бу кундалик вазифалар, тикиш бичишга келсак илгари ҳам ҳозир ҳам бу ишни ҳамма аёл қилган эмас, албатта бундан тугма қадаш каби майда-чуйда тикишлар мустасно. Айни пайтда, илгариги аёллардан фарқли ўлароқ бугунги кунда

мураккаб жарроҳлик операцияларини қилаётган, ёстикдек келадиган катта илмий асарларни яратаётган, давлат бошқарувида (кам сонли бўлсада) ҳеч оғринмай иштирок этаётган, 100-200 гектарлик ерларда боғдорчилик ёки пахтачилик билан шуғулланиб катта мувоффақиятларга эришаётган ва умуман қайси соҳа бўлмасин, бошлаган ишларини охирига етказа олаётганлигини ҳам эътироф қилиш лозим. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, илгари аёллар фақат оила ишлари билан машғул бўлишган. XXI аср аёлларининг эса фарзанд тарбияси, оиласига садоқатидан ташқари бошқа кадриятлари ҳам шаклланди. Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, эгаллаган касби орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истагидир, бу ижобий ҳол. Ундан ташқари такомиллашган маиший хизмат кўрсатиш технологиялари муайян даражада қўл меҳнатини осонлаштирди.

Бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчиси ё бўйсунувчи, эргашувчиси ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретига қандай чизғилар билан бойитиш мумкин? Аёл барча даврларда энг аввало “Она”дир, кейин эса у бошқарувчи ва бўйсунувчи, эргаштирувчи ва эргашувчи ҳамдир. Оналик бу табиат қонуни ва уни бузишга ҳаракат қилганлар адашганлар тоифасига киради. Ижтимоий фаолияти эса унинг иқтидори, қобилияти, ташаббускорлиги билан белгиланади. Ҳеч бир даврда аёллар фақат бошлиқ бўлиши ёки фақат эргашиши лозим деб ҳисобланмаган. Аксинча ҳозирги кунда аёлларга муносабат ижобий томонга ўзгариб, уларнинг она бўлиши билан бир қаторда потенциал қобилиятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий ўзбек аёли – у ўз бегининг бегойими, фарзандининг меҳрибон онаси, ота-онасининг меҳрли фарзанди, дугонаси, ёру-биродарларининг оқибатли дўсти, шунингдек жамоасида ўз ўрнини топа олган касб эгаси бўлиши лозим. Замонавий аёллар фақат бугуни билан эмас, балки ўтмишда ўтган аёлларнинг хатосидан хулоса чиқариб, келажак аёлларига ўрнатилган бўла оладиган аёл бўлиши керак. Мустақил Ўзбекистонимизда келажак пойдеворини қўйишга ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати билан касбидан камол топиб, айна пайтда ўзбек аёлига хос ифбат, ор-номусини сақлаб, меҳр-оқибатга риоя қилаётган аёллармиз билан ғурурлансак арзийди.

Мадомики аёл олдида оила ва иш дилеммаси юзага келса, аёл фақат оила, оила ва яна оилани танлаши лозим. Чунки фарзандсизлик аёл учун энг катта бахтсизлик. Оилали, фарзандли аёлгагина касбий ютуқлари татийди, акс ҳолда унинг барча ютуқлари саробга тенг. Айна пайтда оила деб аёл ўзлигидан кечмаслиги, жамиятдаги касбим деб оиласини йўқотмаслиги керак. Бунинг учун аёл ўз имкониятларидан тўғри фойдаланиши, мақсадини аниқ билиши,



хар икиловини мутаносиб олиб боришга эришиши лозим. Шунинг учун ҳам аёл аёлда!. Бизнингча оилавий муаммоларнинг сабабларидан бири бу иқтисодий етишмовчилик ҳисобланади. Бунинг олдини олиш учун аёл ўзининг иқтисодий имкониятларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, энг кичик моддий эҳтиёжларини қондириш учун аёл ўзининг имкониятларидан фойдаланса оилада иқтисодий мажоро камроқ бўлади, бу нингу чун эса аёл ишлаши лозим.

Бугун оила қадрият сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг барча мамлакатларида эътироф этилмоқда. Фарзанд оиланинг муҳим таянчи. Уни дунёга келтириш, камолга етказиб, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш масъулияти оиланинг олий қадрият эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Зеро ўтган асрнинг 50-70 йилларида ўз даврининг машҳур аёллари касбий ютуқларидан сармаст бўлиб, фарзанд тарбияси у ёқда турсин, ҳатто бола кўришни орзу қилмагани оқибатидаги машъум тақдири янги аср аёллари учун ҳаёт мактабини ўтади. Бугун дунёнинг таниқли актрисалари, сиёсат арбоблари нозик қоматлари бузилишидан кўркмасдан, нафақат ўзи фарзанд кўрмоқда, балки бировларнинг фарзандларини тарбияламоқда. Арзимаган сабабларга кўра ажралиш оқибатида фарзандларини тирик етим қилаётган ота-оналар бундан тегишли хулоса чиқаришса яхши бўлар эди.

Оила қадрият сифатида эътироф этилаётган бир пайтда ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатлари кўпаймоқда ... Дунёда бир хил фазилатли, феъл-атворли одамнинг бўлиши мумкин эмас. Шу боис мутлақо бошқа муҳитда яшаган, оилада олган тарбияси бир-бирига ўхшамайдиган, фазилати бир-бирини тўлдирмайдиган икки ёшнинг турмуш қуриши натижасида уларнинг келгуси ҳаётидаги тотувлик албатта оналар тарбиясига боғлиқ. Улар қизларига ўспиринлигидаёқ бировнинг хасми эканлигини, шунинг учун у аёл зоти қилиши зарур бўлган энг оддий ишларни қилишни ўрганиши, хушмуомала, такаллуфли бўлиши оила барқарорлигининг пойдевори бўлишини тушунтириши лозим. Афсуски бугунги кунда баъзи оналаримиз қизларини ҳаддан ташқари эркалатиши ва баъзи ҳолларда жуда ҳам ёш турмушга бериши оқибатида ёш оилаларда муаммолар пайдо бўлмоқда. Оила қурмоқ бу қизнинг келинликнинг оқ либосини кийиб, ўз гўзаллиги ва латофатини кўз-кўз қилиш билан белгиланмайди. Оила қуришнинг масъулияти ва мажбуриятлари бор, бу масъулият ва мажбуриятни эса фарзандида она тарбиялайди. Демак ёш оилалардаги барқарорликни сақлашга ота-оналар масъулдирлар. Фақат оиланинг муқаддас эканлигини англайдиган, отасиз ё онасиз қолган фарзандларнинг етим боладан фарқи бўлмаслигини тушунган одамгина оиланинг қийинчиликларига, турмушнинг “муштларига” тоқатли бўлади.

Менимча хою-хавасларга берилиб, севдим, севилдим деб айюҳаннос солиш нотўғри. Оила қуришда эҳтиросга эмас, балки ақлга таянилса, балки ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатлари камаярмиди. Оила гулга ўхшайди, гулга қанча сув қуйсангиз, у узоқ муддат кўзни қувонтиргани каби, эр-хотиннинг бир-бирига меҳри оила пойдеворини мустаҳкамлаш омили бўлади. Зеро ҳақиқий муҳаббат никоҳдан кейин бошланади. Аини шу даврда ўзаро ҳурмат, меҳр шаклланади. Жуфти ҳалолларнинг бир-бирига бўлган чинакам меҳри ҳар қандай севгидан кучлироқ.

Аёл зотининг қудрати нимада? Аёлнинг қудрати янги инсонга ҳаёт бахш этиш, уни тарбиялаш, фарзандига ҳеч ким бера олмайдиган меҳрни бера олишида. Аёлнинг ожизлиги эса кўз ёшларида. Зеро аёл энг бахтли онлари ва бахтсизлигида ҳам маржон-маржон кўз ёшларини аямайди. Кўз ёшлари унга куч бағишлайди ва у яна яшашда давом этади.